



Ислом Нури

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади: **«Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглр. Эртаю кеч У зотни поклаб тасбеҳ айтинглар!»** (Аҳзоб: 41, 42).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзининг зикрига бўлган буйруқни ибодатлар адосидан кейинга хослади:

- Намозлардан фориғ бўлгач, Уни зикр қилишга буюрди: **Намозни адо қилиб бўлганингиздан кейин ҳам турган, ўтирган ва ёнбошлаган пайтларингизда доим Аллоҳни ёд этингиз!»** (Нисо: 103), **«Энди қачон намоз адо қилинган Ерға тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) истайверинглр. Аллоҳни кўп зикр қилинглрки, шояд нажот топурсизлар»** (Жумъа: 10).

- Рамазон рўзасини комил тутгандан кейин Уни зикр қилишга буюрди: **«Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз»** (Бақара: 185).

- Ҳаж ибодатини адо этиб бўлгач, Уни зикр қилишга буюрди: **«Энди, маросимларингизни адо қилиб бўлгач, Аллоҳни аждодларингизни эслагандек, балки ундан-да қаттиқроқ эсланг!»** (Бақара: 200).

Бу - валлоҳу аълам - ибодатда бўладиган нуқсон ва васвасаланиш ўрнини тўлдириш ва инсонга ундан талаб қилинган нарса зикр ва ибодат ўртасини улаш эканини сездиришдир. Токи, у ибодатдан фориғ бўлгач, ўзини зиммасидаги мажбуриятдан хориж деб ҳисоблаб қолмасин.



Ислом Нури

Фарз намоздан кейинги машруъ зикр Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган кўринишда бўлиши, бидъатчи сўфийлар қилаётганидек, кейин пайдо қилинган кўринишда бўлмаслиги лозим.

«Саҳиҳ Муслим»да (591) Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларидан бурилсалар, уч марта истиғфор айтардилар ва: «Аллоҳумма антас-салам ва минкас-салам, табарокта я зал-жалали вал-икром», дердилар.

(Маъноси: Эй Аллоҳ! Сен Саломдирсан (яъни, бандаларингни ҳалокат ўринларидан сақлагувчи-саломат этгувчи Зотдирсан). Саломатлик Сен тарафингдандир. Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен пок ва муқаддасдирсан).

«Саҳиҳайн»да Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларидан фориғ бўлиб, салом бергач: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир, Аллоҳумма ла мааниъа лимаа аътайта ва ла муътия лима манаъта ва ла янфаъу зал-жадди минкал-жадду» дер эдилар (Бухорий (844), Муслим (593) ривоят қилганлар).

(Маъноси: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ! У ёлғиз ҳам шериксиз Зотдир! Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир! У барча нарсага қодир. Эй Аллоҳ, Сен берган нарсени тўсувчи, Сен тўсган нарсени берувчи йўқ. Улуғлик-бойлик эгасига бойлиги-улуғлиги Сендан (қочиб қутулишига) фойда бермас.)

Имом Муслим (594) ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва



Ислom Нури

саллам ҳар намозда салом берганларидан кейин: “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир, ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ, ла илаҳа иллаллоҳ ва ла наъбуду илла ийяҳ, лаҳун-неъмату валаҳул фазлу валаҳус-сана-ул ҳасан, ла илаҳа иллаллоҳ, мухлисийна лаҳуд-дийна ва лав карихал кафируун” дер эдилар.

(Маъноси: Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, У ёлғиз, шериксиз. Мулк Уники, ҳамду сано ҳам Унга. У барча нарсага қодир. Куч-қувват ёлғиз Аллоҳ (мадади) билан. Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ. Биз фақат Унгагина ибодат этамиз. Неъмат ҳам, фазл ҳам, гўзал мақтовлар ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ. Гарчи кофирлар карих-ёмон кўрсалар-да динни холис Унинг учун қилувчилармиз.)

«Сунан»да Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким бамдод намозидан кейин оёқларини буккан ҳолда (яъни ташаҳҳудда ўтирган ҳолидан ўзгармай туриб), (ҳали бирон оғиз) гапирмай туриб: “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, юҳийй ва юмийту ва ҳува ала кулли шайъин қодийр” (яъни: Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, У ёлғиз, шериксиз. Мулк Уники, ҳамду сано ҳам Унгадир, ўлдиради, тирилтиради, У барча нарсага қодирдир) деб ўн марта айтса, унга ўнта савоб ёзилади, ўнта гуноҳи ўчирилади ва ўнта даража юксалтирилади, шу куни кун бўйи ҳар қандай нохушликдан сақланган ва шайтондан ҳимояланган ҳолда бўлади, Аллоҳга ширк келтиришдан бошқа бирон гуноҳ унга етиши (яъни амалини зое қилиши) мумкин эмас» (Имом Термизий (3474): «ҳасан, саҳиҳ ҳадис» деган).

Имом Аҳмад (6/298, №26551) Умму Салама розияллоҳу анҳо ривояти билан, Ибн Ҳиббон (5/369, №2023) Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳу



Ислом Нури

ривояти билан келтирган ҳадисларда эса ушбу ўн та таҳлил шом намозидан кейин ҳам айтилади, деб келган.

Шом ва бамдод намозларидан кейин яна: «Робби ажирний минан-нар» (яъни, Эй Роббим, менга дўзахдан паноҳ бергин» деб етти марта айтади. Буни Аҳмад (4/234, №18054), Абу Довуд (5079), Насоий (9938), Ибн Можа ва бошқалар ривоят қилганлар.

Сўнгра ҳар бир намоздан кейин 33 марта тасбиҳ (субҳаналлоҳ), 33 марта ҳамд (алҳамду лиллаҳ), 33 марта такбир (аллоҳу акбар) айтади, (ҳаммаси 99 та бўлгач,) юзинчисида «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр», дейди. Чунки, Имом Муслим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким ҳар намоздан кейин Аллоҳ таолога ўттиз уч марта тасбиҳ, ўттиз уч марта ҳамд, ўттиз уч марта такбир айтса, бу ҳаммаси тўқсон тўққизта бўлгач, юзинчиси қилиб: “Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр” деса гуноҳлари, гарчи денгиз кўпикларича бўлса ҳам, кечирилади», деганлар (Саҳиҳ Муслим: 597).

Сўнг «Оятул-курсий»ни, «Қул ҳуваллоҳу аҳад», «Қул аъувзу бироббил-фалақ» ва «Қул аъувзу бироббин-нас»ни ўқийди. Чунки, Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким ҳар намоздан кейин «оятул-курсий»ни ўқиса, уни жаннатга киришдан фақат ўлим тўсиб туради», деганлар (Насоий «Ал-кубро»да (9928) ва Табароний «Ал-кабир»да (8/114, №7532) ривоят қилганлар).

Бошқа бир ҳадисда эса: «У иккинчи намозга қадар Аллоҳнинг



Ислom Нури

ҳимоясида бўлади», дейилган (Табароний «Ал-кабир»да (3/83, №2733) Ҳасан ибн Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

«Сунан»да келган ҳадисда Уқба ибн Омир розияллоҳу анху айтади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам менга ҳар намоздан кейин «муъаввизалар»ни (яъни, икки қул аъувзуни) ўқишимни буюрдилар» (Термизий (2903), Абу Довуд (1523), Насоий (1462) ривоятлари).

Мазкур ҳадислар фарз намозлардан кейин ушбу зикрларни ўқиш машруъ эканига ва уларни ўқиган кишига ажру савоблар ҳосил бўлишига далил бўлади. Шундай экан, биз уларни муҳофаза қилишимиз, Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган кўринишда ўқишимиз, уларни бевосита намоздан салом берибoқ, ҳали намоз ўқиган ўрнимиздан турмасдан туриб, қуйидаги тартибда ўқишимиз лозим:

- Намоздан салом бергач, уч марта истиғфор айтамиз.

Сўнг: «Аллоҳумма антас-салам ва минкас-салам, табарокта я зал-жалали вал-икром», деймиз.

- Сўнг: «Ла илаҳа иллalloҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодиир, Аллоҳумма ла маниъа лима аътайта ва ла муътия лима манаъта ва ла янфаъу зал-жадди минкал-жадду» деймиз.

- Сўнг: «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ, ла илаҳа иллalloҳ ва ла наъбуду илла ийях, лаҳун-неъмату валаҳул фазлу валаҳус-сана-ул ҳасан, ла илаҳа иллalloҳ, мухлисийна лаҳуд-дийна ва лав карихал кафируун», деймиз.



Ислом Нури

- Сўнг 33 марта тасбеҳ (субҳаналлоҳ), 33 марта ҳамд (алҳамду лиллаҳ), 33 марта такбир (аллоҳу акбар) деймиз, ҳаммаси 99та бўлгач, юзинчисида «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр», деймиз.

- Шом ва бамдод намозларидан кейин ўнта таҳлилни айтгач, «Робби ажирний минан-нар» деб етти марта айтамыз.

- Ушбу зикрларни мана шу тартибда айтгандан кейин «Оятул-курсий»ни, «Ихлос», «Фалақ» ва «Нас»ни ўқиймиз. Шом ва бамдод намозларидан кейин мазкур уч сурани уч мартадан ўқиш мустаҳабдир. Намоздан кейин таҳлил, тасбеҳ, таҳмид ва такбирни овоз чиқариб айтиш мустаҳаб, лекин жамоавий шаклда жўр бўлиб айтилмайди, балки ҳар ким ўзи овозини чиқариб айтади.

Ушбу таҳлил, тасбеҳ, таҳмид ва такбирларни санашда бармоқларидан фойдаланади. Чунки, бармоқлар қиёмат куни ўзи билан қилинган амаллардан масъул ва улар ҳақида сўзловчи бўлади. Ушбу зикрларни санаш учун тасбеҳдан (яъни, санок учун ишлатиладиган мунчоқ шодасидан) фойдаланиш ҳам мумкин, бироқ тасбеҳнинг ўзида бирон фазилат бор деб эътиқод қилмаслик лозим. Уни баъзи уламолар макруҳ дейишган. Тасбеҳнинг ўзи учун бирон фазилат бор деб эътиқод қилса, уни тутиш бидъат бўлади. Бу худди сўфийлар тутадиган, бўйинларига осиб ё қўлларига билагузук қилиб тақиб юрадиган тасбеҳга ўхшаб қолади ва бидъат бўлишидан ташқари, риё ва ўзини кўрсатиш ҳам бўлади.

Ушбу зикрлардан сўнг киши махфий равишда, ўзи истаганича дуо қилади. Чунки, ушбу ибодат ва мазкур улуғ зикрлар ортидан қилинган дуо ижобат қилинишга лойиқдир. Фарз намоздан кейин дуо билан



Ислом Нури

қўлини кўтармайди, бундай қилиш бидъатдир. Нафл намоздан кейин бундай қилиш мумкин. Дуони овозини кўтариб қилмайди, чунки махфий овозда дуо қилиш ихлос ва хушуйга яқин, риёдан узоқ бўлишга сабаб бўлади.

Айрим диёрларда жамоат намозидан кейин қилинадиган қўл кўтариб, баланд овозда жўр бўлиб, дуо қилишлар ёки имом дуо қилиб, маъмурлар қўл кўтариб «омийн» деб туриши бидъат амал бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан на бамдодда, на асрда ва на бошқа намозлардан кейин мана кўринишда дуо қилганлари нақл қилинмаган, ундай қилишни дин имомларидан биронталари ҳам мустаҳаб санамаганлар.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бундай қилишни Имом Шофеъийдан нақл қилганлар у кишининг ҳақларида хато қилганлар» (Мажмуъул-фатава: 22/512).

Бунда ҳам, бошқа ишларда ҳам фақат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан

келган нарсаларга чекланиш вожибдир. Чунки, Аллоҳ таоло айтади:

«Пайғамбар

сизларга нимани келтирган бўлса, уни олинглар, у зот

сизларни қайтарган нарсадан

қайтинглар» (Ҳашр: 7), «(Эй мўминлар), **сизлар учун — Аллоҳ ва**

охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган

кишилар учун Аллоҳнинг

пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи атвори)да **гўзал ибрат**

бордир»

(Аҳзоб: 21).